

Назарий билимлар амалда

Ҳар бир мутахассис назарий олган билимларини амалда қўлласагина етук кадрга айланади. Ана шу мақсадда 6 – июл куни институтимизнинг Гидромелиоратив ишларни механизациялаш факультети ҚФХ йўналиши 109-гурӯх талабалари ўзларининг ўқув – танишув амалиётини Тошкент шаҳрида жойлашган “SUVMASH” акциядорлик жамиятида ўтадилар.



“SUVMASH” АЖ халқ хўжалиги учун қирқ турга яқин зарур бўлган насос агрегатлар, электр насослар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, талабалар ана шу жараёнларга шахсан гувоҳ бўлдилар. Амалиёт раҳбари доцент А.Ҳожиёв ҳамда “SUVMASH” АЖ нинг раҳбарияти талабаларни ҳаётининг фаолият хавсизлиги нуқтаи назаридан малака ва кўникмаларини оширдилар. Талабаларимизга бу соҳада кўникмаларини янада оширишларинини тилаб қоламиз!

ҚФХ йўналиши 109-гурӯх талабалари Норқўзиева Н., Абдужалилова.У. маълумоти.